

ЎЗБЕК МУМТОЗ ҲИКОЯТЛАРИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Севара Баратова

ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти кичик илмий ходими,
Тел: 93-5384422
E-mail: baratovasevara07@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада Навоий ҳикоятларининг поэтик томонлари қаламга олинган. Ундаги қисқалик ва лўндалик шоир маҳоратининг ифодаси сифатида кўрсатилган.

Калит сўзлар: Навоий, поэтика, қисқалик, ихчамлик, маҳорат, образ яратиш.

АННОТАЦИЯ

В данной статье написаны поэтические аспекты рассказов Навои. Его лаконичность и лаконичность показаны как выражение мастерства поэта.

Ключевые слова: Навоий, поэтика, краткость, лаконичность, мастерство, создание образа.

КИРИШ

Ўзбек мумтоз ҳикоятчилигининг минг йиллик тарихига назар ташласак, шеърий ва насрый ҳикояларнинг аксарияти бадиий жиҳатдан талаб даражасида бўлганлигини кўришимиз мумкин. Негаки, ўтмишда яратилган мумтоз ҳикоялар ўз ўқувчисини топиши ва унга бадиий-эстетик таъсир этиши, айни чоғда тарбиявий мақсадларни ҳам эътиборда тутиши талаб этилган. Ўзбек адабиётидаги ҳикоятлар таҳлилга тортилганда уларнинг бадиий савияси ҳар хил эканлиги, айримлари бадиий жиҳатдан пишиқ, баъзиларида эса муаллифларнинг асосан, ғоя эътиборида бўлгани туфайли бадиийлик у қадар пишиқ бўлмаганини кўришимиз мумкин. Мумтоз ҳикоячилик поэтикасининг айрим қирралар учун, бизнингча, Алишер Навоийнинг достонлари таркибиға кирган бир қатор ҳикояларнинг намуна бўларлик даражасида эканини таъкидлашни истар эдик. Шу сабабдан Навоий ҳикоятлари поэтикасининг айрим қирраларини кўрсатиш ва таҳлилга тортиш орқали умумўзбек мумтоз ҳикоячилиги поэтикаси борасида хулоса чиқариш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Алишер Навоийнинг ижоди чуқур ғоявийлиги, мазмунан бойлиги, жанрларнинг хилма-хиллиги, бадиийликнинг ниҳоятда юксаклиги билан адабиётимиз тарихида муҳим бир босқични ташкил қиласи. У энг улуғ бадиий

сўз санъаткорларидандир. Навоидек йирик санъаткор ижодидаги бадий маҳорат жуда катта масала бўлиб, шоирнинг асарлари, достонлари юзасидан алоҳида илмий-текшириш ишларини талаб қилади. Биз Алишер Навоий ҳикоятларида бадий образ яратиш маҳорати, сюжет ва композиция масалалари борасида қисқача тўхталиб, ўз мулоҳазаларимизни баён этишни мақсад қилиб қўйдик.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар бир адабий жанрнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билган Алишер Навоий ҳикоя жанрининг ҳам воқеликни акс эттиришдаги имкониятларини ҳисобга олиб, ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан юксак ҳикоятлар яратди. Ҳар бир ҳикоят ўзининг мустақил сюжет чизигига, образларига, ҳамда сюжетнинг барча компонентларига эгadir. Шоир ҳикоятларида ҳикоя жанрига хос кўпгина хусусиятлар мавжуд. Шунингдек, ҳар бир ҳикоят ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Ҳикоя жанрига хос хусусиятлардан энг муҳими қисқалик ва ихчамлиқдир. А. П. Чехов таъбири билан айтганда: “Қисқалик иқтидорнинг синглиси”¹. Навоий ҳикоятларида ҳудди шу нарса яққол кўзга ташланади. Шоир ҳам фикрни ихчам, тушунарли шаклда ифода қилиш уни катта мазмундан узоқлашмаслигини таъкидлайди. Бу ҳақда шоир “Сабъаи сайёр” достонида шундай ёзади:

Ҳар не бор достонга солди садо,
Мунда бир байт бирла тобқай адо.

Мужмал онинг сўзин қилиб такмил,
Ўз ҳадисимга бергамен тафсил.¹

Кўринадики, йирик сўз санъаткорларининг фикрини ихчам шаклда ифодалаш, қисқалик хақидаги қарашлари бир-бирига яқин. Бу яқинлик уларнинг адабий жанрларни баҳолашда объектив ёндошилари натижасидир.

Ҳар бир асарнинг чуқур ғоявий, бадий гўзаллиги, асосан, мазкур асарда инсон образининг қай даражада тасвирланишига боғлиқ.

Навоий ҳикоятларига назар ташлар эканмиз, уларда кишиларнинг ранг-баранг образларига дуч келамиз. Шоир давр талабидан келиб чиқиб, ўтмиш мумтоз адабий анъанасига, халқ оғзаки ижоди самараларига суянган ҳолда турли хил кишиларнинг ижобий ва салбий образларини яратди. Навоий ҳикоятларида ўша давр ҳаётида эзилган меҳнаткаш халқ вакилларининг, одил

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами // Сабъаи сайёр. Ўнинчи жилд. –Тошкент: Фан, 1992. –Б. 31.

шоҳ ва шаҳзодаларнинг ижобий образларини бадиј маҳорат билан тасвирлайди. Шоир меҳнаткаш табақа вакилларининг образларини гавдалантиришга катта этибор беради. Шунинг учун ҳам ҳикоялардаги ижобий образларининг кўпчилиги халқ вакиллари дидир. Масалан “Шоҳи Розий” ҳикоятидаги камбағал ва эзилган кампир образи, “Хотам Тоий” ҳикоятидаги ўтин териб кун кўрувчи чол образи, “Баҳром Гўр” ҳикоятидаги қари дехқон ана шундай образлардан дидир. Шоирнинг бутун симпатияси ҳам ана шу образларни тўлароқ тасвирлашга қаратилган. Ҳикоятлардаги образлар ҳаётий эпизодларда ихчам шаклда ишонарли қилиб тасвирланган.

Навоий ҳикоятларни ихчам шаклда ифодалаши, қисқалик ҳақидаги карашлари бунга яққол мисол бўла олади.

Шоирнинг бутун майли ҳам ана шу образларни тўлароқ; тасвирлашга қаритилган. Ҳикоятлардаги образлар ҳаётий эпизодларда ихчам шаклда ишонарли қилиб тасвирланган.

Шоир ҳикоятларида шоҳ ва шаҳзодаларнинг ижобий образлари яратилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги идеал характерга эга бўлган. Бу образларнинг бирортасига бутунлай ўхшаш ҳарактердаги кишиларни ўша давр шароитида кўриш мумкин эмас эди. Навоий бундай образларни яратиш билан подшоҳ қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги ўз орзуларини баён қиласи. Масалан, “Хотам Тоий” ҳикоятида ўтинчи чолнинг портрети тўлиқ чизилмаган. Ҳикоятдаги:

Жисми уш айлабон ул юк нигун,

Тиркабон ул уйга асадин сутун.

Ҳар қадам олгунча етиб муддате,

Ҳар нафас улгунча ўтиб фурсате...²

кишининг ёрқин қиёфаси, рухий ҳолати, ички кечинмалари аниқ ва жонли кўринади. Ёки Жобир образини (“Меҳр ва Суҳайл”) олайлик. Жобирнинг портрети тўла чизилмаган. Лекин икки байт орқали Жобирнинг ташқи кўриниши яхши чизиб берилган:

Ҳам тануманду ҳам шужоу далер.

Ул сифатким жазира ичраки шер.

Бахра аро офати нечукки наҳанг,

Беша ичра нечукки шеру паланг.³

² Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами // Ҳайрат ул-абброр. Еттинчи жилд. –Тошкент: Фан, 1991. –Б. 152.

Биринчи байтда Жобирнинг кучли эканлигини қўрсатиш учун шерга ўхшатилади. Иккинчи байтда биринчи байтдаги фикр ривожлантирилиб, Жобир оғат келтирувчи наҳангга ўхшатилади. Бу билан унинг салбий хусусиятлари очилади. Натижада кўз олдимиизда Жобирнинг баҳайбат салбий образи гавдаланади. Айтиш керакки, Навоий ҳикоятларидағи баъзи образларнинг портретлари орқали уларни бир-биридан фарқлаш қийин. Чунки шоир ҳикоятларидағи портретлар кўп вақт анъанавий характерга эга бўлган. Улардаги хотин-қизлар портретини чизишида ишлатилган анчагина иборалар (“қадди сарв”, “юзи меҳр”) эркак персонажларнинг портретини чизишида ҳам қўлланади. Мисол учун “Меҳр ва Суҳайл” ҳикоятидағи Меҳр ва Суҳайл портретларини келтирамиз.

Меҳр портрети:

Тақиқим наҳли сарфароз келиб,
Хусн бошда сарви ноз келиб.
Юзига меҳр банду оти Меҳр,
Уйрулуб меҳридек бошига сипехр⁴.

Суҳайл портрети:

Юзидин барги гул хижил эрди,
Қаддидин сарв мунфаил эрди.
Хунар авжи сори келиб анга майл,
Юзи андоқки меҳр, оти Суҳайл⁵.

Демак, Навоий ҳикоятларида портретлар тўлиқ берилмаса ҳам, уларни таниб олиш қийин эмас. Шоир бир ёки икки детал билан муайян қаҳрамоннинг портретини ниҳоятда жонли тарзда тасвирлаб бера олади. Шоирнинг қайси ҳикоялари кўздан кечирилмасин, уларда ишлатилган ташбехлар, таъзодлар, шоир маҳоратини қўрсатувчи унсур даражасига кўтарилади ва асарнинг равонлигини кучайтиради. Бу бадиий санъатлардан ташқари Навоий ҳикояларида маънавий ва дафзий манъатларнинг ҳам ўнлаб намуналарини кузатишимиз мумкин. Бу эса даҳо санъаткорнинг ҳикояларини ҳам бадиий санъатлар билан безаб, уларнинг равонлигини кучайтирганини исботлайди. Яна шоирнинг “Меҳр ва Суҳайл” ҳикоятига қайтсак, унда бир-бирига уланиб кетган воқеалар тизмаси борлигини кузатишимиз мумкин. Бу воқеалар тизмаси ҳикоятнинг сюжет чизигини ташкил қиласади. Воқеалар ичida Меҳр билан

³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами // Сабъаи сайёр. Ўнинчи жилд. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.278

⁴ Алишер Навоий. Ўша асар. – Б.2 79

⁵ Алишер Навоий. Ўша асар. - Б. 282.

Сұхайл үртасидаги севги воқеаси асосий, қолғанлари эса ёрдамчи воқеалар бўлиб, асосий воқеани ойдинлаштиришда, тўлароқ очишга ёрдам беради. Шу билан бирга, ҳар бир эпизодик воқеа асосий воқеанинг бир бўлаги вазифасини ўтайди. Бу ҳикоятнинг сюжет қурилиши қўйидагича: Шоир ҳикоятнинг бошланишида ўқувчини ижобий ва салбий образлар тавсифи билан таништиргач, Мехрнинг денгиз саёҳатига чиқиб, асирга тушиш воқеасини келтиради. Бу воқеа ҳикоятдаги асосий воқеанинг бошланиши, тугуни ҳисобланади. Энди ҳикоятдаги Мехр тақдири билан боғлиқ бўлган воқеа ривожланиб борган сари янги зиддиятлар пайдо бўлади. Сұхайл билан Жобир үртасида қаттиқ кураш юзага келиб, Жобир хийла-найранг ишлатиб, Сұхайлни енгади ва уни зинданга ташлайди. Жобирга қарши икки шоҳ – Мехрнинг отаси Адан шоҳи Навдар билан Сұхайлнинг отаси Яман шоҳи Нуъмон курашадилар. Лекин улар ҳам мағлубиятга учраб, Жобирга асир бўладилар. Ҳикоя кульминацион нуқтага кўтарилгач, тез ечилади. Ҳақиқат қарор топиб, адолат ғалаба қозонади. Икки севишган муродига етади.

Бундай сюжет характеристи ҳикоятнинг қизиқарли чиқишини таъминлаган. Шоирнинг сюжет яратишдаги маҳорати шунда кўринади. Зиддиятларни кетма-кет келтириб ҳикоятнинг охирига қадар узлуксиз ҳаяжон билан ўқилишини таъминлаган.

ХУЛОСА

Ушбу ҳикоятда воқеалар мантиғи биринчи ўринда туради. Лекин ҳамма ҳикоятлар ҳам шу характеристерда эмас. Шоирнинг ҳар бир ҳикояти ўзига хос сюжет қурилишига эга. “Шоҳ Жуна ва Масъуд” ҳикоятида воқеалар мантиғи эмас, характеристлар мантиғи биринчи ўринда туради.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, муайян қаҳрамон тасвирида уни воқеалар силсиласига тўла олиб кириб гавдалантирса, айримларида ҳали воқеалар тўзонига олиб кирмай туриб, уларнинг характер қирралари, касби корлари билан ўқувчини таништириб боради. Мазкур ҳикоятда ана шундай ҳолатлар кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий ҳикоятлари бадиий мукаммаллиги билан бутун ўзбек мумтоз ҳикоячилиги поэтикасини ўзида намоён этади ва унгача ҳамда ундан кейинги мумтоз ҳикоятларнинг бадиий хусусиятларини аниқлашда манба вазифасини ўтайди.

REFERENCES

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами // Сабъаи сайёр. Ўнинчи жилд. –Тошкент: Фан, 1992.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами // Ҳайрат ул-аборор. Еттинчи жилд. –Тошкент: Фан, 1991